Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1999 йил 30 январь, шанба | Баҳоси сотувда эркин нархда | № 8 (7102)

Da'vat

Барча кашфиётлар ичида энг гўзали яхши тарбия олган инсондир.

ЭПИКТЕТ

Ibrat

Самарқандда вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан ижтимоий соҳаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида илк бор хайрия марофони ўтказилди. Туман ва шаҳар ҳокимликлари, турли ташкилот, корхона ва муассасалар жамоалари, тадбиркорлар, саховатпеша кишилар қатнашган мазкур марафоннинг биринчи кунидаёқ 50 миллион сўмга яқин маблағ тўпланди.

JUMLADA JAHON

• Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига кўра Оқилжон Обидов Ўзбекистон Республикаси ижтимоий таъминот вазири этиб тайинланди.

• Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига биноан Баҳодир Ҳамидович Умрзоқов бошқа ишга ўтиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси ижтимоий таъминот вазири вазифасидан озод қилинди.

• «Уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси эълон қилинди.

• Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига кўра «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг бир гуруҳ хизматчилари ҳукумат мукофотлари билан тақдирланди.

• АҚШ ва Буюк Британия авиацияси Ироқ жанубидаги Басра шаҳрининг тураржой биноларини ўққа тутди.

• Молдова қуролли кучларининг сони қарийб учдан бир микдорга қисқартирилиб, аскарларнинг хизмат муддати бир ярим йилдан то бир йилгача камайтириладиган бўлди.

• Австрия Альпларида юз берган автоҳалокат оқибатида 18 нафар венгер ўқувчилари ҳалок бўлди ва 30 дан зиёди жароҳатланди.

КЎЗГУДА СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ

2-бет

«Йил ўқитувчиси – 98» республика кўрик-танловида Бухоро вилояти Пешку туманидаги 14-мактабнинг чизмачилик ва тасвирий санъат фани ўқитувчиси Шухрат Мирхонов «Изланувчан ўқитувчи» номини олди. Гап шундаки, бу муаллимнинг дарси иштирокчилар ва мутахассисларга жуда маъқул бўлди. У мураккаб тушунчаларни ҳам оддий усулда ўқувчиларга етказа билди.
Суратда: изланувчан муаллим Шухрат Мирхонов навбатдаги машғулотни ўтаётир.
Равиль АЛЬБЕКОВ олган сурат

O'qituvchi odobi

БОЛА КЎРИБ ҲАМ ЎРГАНАДИ

Ҳар қандай миллатни жаҳон майдонига унинг салоҳиятли фарзандлари олиб чиқади. Салоҳиятли фарзандлар эса ўз соҳасининг етук билимдонларидир. Шу боисдан ҳам ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган юқори малакали маънавиятли мутахассис кадрлар тайёрлаш масаласи энг долзарб масала бўлиб турибди.

Олий Мажлиснинг 1997 йил 29 августда бўлиб ўтган IX сессиясида қабул қилинган «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг энг муҳим томонларидан бири кадрлар тайёрлашнинг миллий моделига асос солинганидир.

Миллий дастур барча соҳаларни қамраб олади. Айни пайтда бу тадбир педагог ходимлар тайёрлаш вазифасига, улар билими ва маънавиятига алоҳида масъулият билан ёндашувни тақозо этмоқда. Зеро, бошқа касбларга нисбатан ўқитувчиларнинг одоби, хулқи, маънавияти масаласига алоҳида эътибор берилиши шундандир.

Муҳтарам Президентимиз 1997 йил Олий Мажлиснинг IX сессиясида сўзлаган нутқида «Бизга ўрта мактабни тугатаётган битирувчилар эмас, балки мактаб таълими, тарбиясини кўрган юксак маънавиятли, сиёсий билимли шахслар керак», деди. Замонавий билим бериш учун аввало мураббийнинг ўзи маънавиятли, маданиятли бўлиши керак. Маънавиятли ва маърифатли педагог, ҳар қандай вазиятда ўқувчиси, шогирди олдида ҳақиқий устоз мавқеида турмоғи даркор.

Ўқитувчи ўзининг мураббий эканлигини, ўқувчига намуна бўла олишини, одоб, ахлоқ, маданият нуқтаи назаридан намоён қила олмаса уни маънавиятли дейиш мумкинми? «Қуш уясида кўрганини қилади», деган нақл бор. Биз маънавиятли инсон, тарбия муаммолари, шахс келажаги ҳақида кўп гапиряпмизу, лекин ўқитувчи маънавияти масаласи

(Давоми 2-бетда)

Faxr

МАДҲИЯ ЮРАКДА МУҲР ТОПСИН

Бир куни қизим мактабдан қайтгач: — Дада, мени эртага эрталаб соат бешда уйғотинг. Устозим айтдилар, телевизордаги кўрсатувлар Ўзбекистон мадҳияси билан бошланар экан, мен уни эшитишим керак – деди. Мен қизимга мадҳия ёзилган кассета олиб бераман, деб айтдим. Афсуски қайси овоз ёзиш студиясидан сўрамай, улар бепарволик билан йўқ, деб айтадилар. Бир воқеа ҳаммасидан ҳам ўтиб тушди. Бутун бозорни хорижий қўшиқлар билан қилишга ундайди. Ўзлигимизни англаётган, юксак маънавият сари илдам одимлаётган ҳозирги кунимизда мадҳияни бирор ансамбл деб ўйлайдиганлар учраб туриши ҳеч бир таърифга сиғмайдиган ҳолдир.

Кези келганда, мен шу хусусида ўз фикримни айтиб ўтмоқчиман. Ҳар йили «Ўзбекистон – Ватаним маним» қўшиқлар байрами кўрик-танлови юқори саларзага солаётган овоз ёзиш студияси сотувчисидан «Менга мадҳия ёзилган магнит тасмаси керак эди, – десам, башанг кийинган йигит: «У нима, музиками, ёки ансамблнинг номими?» — деди. Мен учун кутилмаган бундай жавобдан ўзимни жуда ноқулай сездим.

Ватанимиз Мустақилликни қўлга киритганидан кейин анча хайрли ишлар амалга оширилганлиги ҳақида бугун кўп айтилмоқда. Ўз туғимиз, ўз тамғамиз ва ўз мадҳиямиз борлиги ҳар бир Ўзбекистон фуқароси қалбида ифтихор ҳиссини уйғотади. Бу ҳис кишини юқори минбарлардан номи айтилаётган Ўзбекистонимизнинг янада обод бўлишини Аллоҳдан сўраб, бундан ҳам самарали ижод этишга, сидқидилдан меҳнат вияда ўтказилмоқда. Бу тадбир орқали халқимиз янги иқтидорли қўшиқчиларни танийди. Буни тинглаганда мириқиб дам олиш билан бирга киши руҳини жўш урдирадиган қўшиқлар яратилганлигини гувоҳи бўламиз. Бу қўшиқлар радио ва телевидение орқали кенг тарғиб қилинмоқда. Агар шундай қўшиқлар бир кассетага тўпланса ва тўплам аввалида «Ўзбекистон Республикаси мадҳияси» ёзилса, жуда ҳам савобли иш бўлар эди.

Мадҳиянинг наъмунавий ижроси ҳар бир таълим-тарбия муассасасида бўлса нур устига аъло нур.

Умид ТУРСУНОВ,
А. Икромов туманидаги қўшимча таълим мажмуаси директори

Litseylar hayoti

ЯНГИЛАНИШ ЖАРАЁНИДА

Президентимизнинг ёшларнинг маънавий камолотини юксалтириш, уларнинг миллий дунёқарашини шакллантириш, уларга замон талаби даражасида таълим-тарбия бериш борасидаги ғамхўрлиги биз маориф ходимларидан катта масъулиятни талаб этади. Юртбошимизнинг Самарқанд ва Тошкент вилояти халқ депутатларининг навбатдан ташқари сессиясида мактаб ва мактабгача тарбия муассасалари, лицей ва коллежлар фаолиятини янада ривожлантириш, уларни замонавий ўқув-техника воситалари билан таъминлаш, ёшларни юксак маънавият эгаси қилиб тарбиялаш, келажак умидли ва ишончли ёшлар қўлида эканлиги ҳақидаги сўзлари барчамизни руҳлантириб юборди.

Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университети қошида ташкил этилган чет тиллар лицейида бу борада кўпгина ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Мазкур лицейнинг 2000 йилга қадар академик лицей мақомида фаолият кўрсатиши учун барча ташкилий ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Касб-ҳунар таълими Бош бошқармаси томонидан тегишли маблағ ажратилиб, лицей учун янги бино қурилиши ниҳояланмоқда.

Бундан ташқари, ўқувчиларга юқори савияда таълим-тарбия бериш мақсадида Америка ва Япония мамлакатларидан мутахассислар таклиф этилган. Улар ўқувчилар билан ноанъанавий дарс соатлари ўтказадилар, шу билан бир қаторда компьютер илмидан сабоқ берадилар. Иқтидорли ва изланувчан ўқувчилар «Камолот», «Умид» ва «АКСЕЛЕС» жамғармалари билан ҳамкорликда синовлардан муваффақиятли ўтганларидан сўнг, маълум муддатга чет элларга таълим олиш учун юборилмоқдалар.

Лицейда «Маънавият хонаси» ташкил этилган бўлиб, «Маънавият — қалб кўзгуси» тўгараги мунтазам фаолият кўрсатиб келмоқда. Ўқувчиларни Ватанга муҳаббат, аждодларимизнинг маданий меросига ҳурмат, миллий анъаналар ва урф-одатларимизга садоқат руҳида тарбиялаш мақсадида кутубхонамиз иши яхши йўлга қўйилган. Ватанимиз тарихига оид китоб ва кўргазмалар, деворий газеталар мавжуд. Лицейимизда байрамлар ва алоҳида саналарга бағишланган тадбирлар, саҳна кўринишларининг ўқувчилар иштирокида чет тилларда ўтказилиши анъанага айланган бўлиб, бунда ўқувчилар ўз билимларини мустаҳкамлайдилар.

Шунингдек, ёшларнинг ҳар томонлама баркамол, жисмонан ва руҳан соғлом ўсишлари, уларнинг бўш вақтларидан унумли фойдаланишлари учун турли спорт мусобақалари ўтказилиб туради. Ўқувчиларимиз орасида каратэ бўйича 2 марта Ўзбекистон чемпиони бўлган С. Хакимов сингари тиришқоқ ёшлар кўп.

Чиндан ҳам, ёшларимиз бугунги кунда ҳар соҳада илгарилаб бормоқдалар. Уларнинг айни дамда буюк келажак пойдеворини яратаётганликлари ҳам, шубҳасиз. Уларни қўллаб-қувватлаш, ўзлигини англашга имкон яратиш эса, барчамизнинг бурчимиздир.

Азиза ГИЁСОВА,
Ўз ДЖТУ қошидаги лицейнинг «Маънавият ва маърифат» ишлари бўйича директор ўринбосари

ЯНГИ ТАЖРИБА

Руминиялик стоматолог Паул Орлянду оғриқни қолдирувчи дориларни қўлланмасдан бемор тишини жарроҳлик йўли билан олишга муваффақ бўлди. Тиббиёт соҳасидаги бу янги тажриба жараёнида у дори ўрнига психология профессори В. Георгиу томонидан ўтказилган гипноздан фойдаланди ва тўла муваффаққиятга эришди.

ДЕНГИЗ ҚЎШИҚЧИЛАРИ

Дельфинлар бир-бирлари билан товуш сигналлари орқали алоқа қилишлари маълум эди. Қарангки, улар куйлашар ҳам экан. Халқаро илмий текшириш гуруҳи биологлари Жанубий Америка ва Кариб денгизларида текширишлар олиб бориши жараёнида бунга амин бўлишди. «Дельфинлардан эшитган оҳангларимиз, — дейди доктор Гектор Корона, — АҚШ ва Куба радиоларидан мунтазам эшиттирилиб туриладиган қўшиқлардир».

«ТЎРТ ОЁҚЛИ ДЎСТЛАРИМИЗ» ХОТИРАСИ

Париж яқинидаги Апьер-сюрсен шаҳарчасида итлар қабристони бор. Бу ерда ётган «актёр» ит – Ринтингиннинг қабридан, айниқса, зиёратчилар қадами узилмайди. Америкада эса, бундай қабристонларнинг сони юздан ошади. Марҳум итларнинг эгалари бу жойларга доимий келиб туришади ва қабр атрофини тозалаб, гуллар ўтқазишади.

МУҲИМ АҲАМИЯТГА ЭГА

Шотландиянинг Рослин институти деб номланувчи илмий муассасасида илк бор бир жинсдан насл кўпайтириш усули билан тирик жонзод — қўзичоқ дунёга келтирилди. Мутахассислар бу тажрибани келажакда насл хусусиятлари белгилаб қўйилган соғлом қишлоқ хўжалиги ҳайвонларини вужудга келтириш имкониятини яратувчи муҳим аҳамиятга эга деб ҳисоблашмоқда.

МУТОЛАА КЎНИКМАСИ

Direktor minbari

Мактаб кутубхонасини доимо янги, адабий-бадиий ва ижтимоий-сиёсий китоблар билан бойитиб, ўқувчилар мутолаасини кучайтирганимиздагина келажак авлод маънавиятини юқори поғонага кўтара оламиз. Ўқувчиларга билим бериш билан бир қаторда уларни илмий-оммабоп, адабий-бадиий, ижтимоий-сиёсий китобларни ўқишга жалб қилиш ҳам ўқитувчилар зиммасидаги энг асосий вазифадир.

Бундай вазифани адо этиш учун, аввало, кутубхонани янги китоблар билан бойитиб бориш зарур. Мактабимизда бу ишни амалга оширишда оталиқ ташкилотлари ёрдами қўл келаяпти. Улар ёрдамида 1996/97 - ўқув йилида ўн минг сўмлик, 1997/98 -ўқув йилида 8 минг сўмлик, 1998/99 ўқув йилида эса, 7 минг сўмлик илмий, бадиий китобларни сотиб олдик. Мактаб кутубхонасига ота-оналар томонидан совға қилинаётган китобларнинг сони ҳам 500 донадан ошди. Шу ўринда 1999 йил учун ўқитувчиларимизнинг ҳаммаси, яъни 41 нафар «Маърифат», 10 дан ортиғи «Тошкент оқшоми», «Бошланғич таълим», «Халқ таълими», ўқувчиларимиздан 146 нафари «Ғунча», 74 нафари эса «Гулхан», «Тонг юлдузи» сингари газета ва журналларга обуна бўлишганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Ўқувчиларнинг туғилган кунларида фақат китоб совға қилиш иш тажрибалари мактаб миқёсида жорий этилмоқда. Бу ҳақда барча синф раҳбарларимиз ўқувчиларнинг кутубхонага аъзолигини доимо назорат қилиб борадилар. Тарбиявий соатларда эса ўқувчилар ўртасида ўқиган китоблари юзасидан мунозаралар уюштирилади.

Ойнаи жаҳон орқали бериб борилаётган «Акс садо» кўрсатувларини ўқувчилар ўртасида кўриб боришни ташкил этиш ва мунозаралар ўтказиш мўлжалланяпти. 1998 йил 29 декабрдаги «Акс садо» кўрсатувида юртбошимизнинг «Ўзбекистон буюк келажак сари» деб номланган асарларига «Катта ишонч ва умид билан» деб ёзиб, қўл қўйганликлари ва буни республикамизнинг турли минтақаларида ўқиётган мактаб ва гимназия ўқувчиларининг вакилларига топширилганлиги ҳаяжонли воқеа бўлди.

Демак, ўқувчиларимизни маънавияти етук инсон қилиб тарбияламоқчи бўлсак, доимо уларнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, бадиий китобларни узвий, доимий ўқишларини ташкил этишимиз шарт. Зеро, тинимсиз ўқиш ўғил-қизларни эркин фикрлашга ўргатади, ижодий баркамолликка етаклайди.

Асқар СУЛАЙМОНОВ,
Сирғали туманидаги 237-мактаб директори

МУЗЕЙИМИЗ — ЮЗИМИЗ

Tajriba

Бир неча йиллардан буён Яккабоғ туман ёш сайёҳлар ва ўлкашунослар марказига қарашли «Музей фаоллари ва ўлкашунослик» тўгарагига раҳбарлик қилиб келаман. Тўгаракка 16 нафар ўқувчи иштирок этмоқда. Улар билан ҳар ҳафтада уч марта машғулот ўтказамиз. Тўгарак қатнашчиларининг аскарияти 9 синф ўқувчилари ҳисобланади. Уларга Навоий номли адабиёт ва санъат, Ўзбекистон тарихи, Амир Темур музейлари, Шаҳрисабз, Бухоро, Хоразм шаҳарларининг тарихий обидалари тўғрисида муҳим тарихий маълумотлар бермоқдаман.

Бундан икки йил илгари тумандаги Асқар Холмуродов номли ўрта мактабда фаоллар ёрдамида тарихий музей ташкил этишга муваффақ бўлгандик.

Тарихий музейни ноёб экспонатлар билан бойитиш мақсадида қўшни Шаҳрисабз, Қамаши, Деҳқонобод, Чироқчи туманларидаги қишлоқ ва овулларда бўлиб, нодир ёдгорликлар, ўзбек халқининг тарихий маданиятини акс эттирувчи экспонатлар тўпладик. Тарих музейига эски даврдаги қишлоқ хўжалик, чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ускуналари тўқимачилик, ўрмак, чарх тўқувчилик асбоблари, кулоллик ва мисгарлик, ўтмишдаги аёлларнинг ҳар хил матолардан тикилган кийимлари, 1910-1930 йиллардаги қоғоз ва танга пуллар, Мисрдаги Фиръавнлар қабрининг ганчдан ишланган нусхаси сақланмоқда. Шунингдек, музей залидан ўтмишдаги тарихий саркарда, донишмандлар, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Бобур Мирзо фаолиятига даҳлдор бўлган кўргазмалар ҳам жой олган.

Музейдаги ноёб тарихий экспонатларни тумандаги мактаб ёшлари, корхона, ташкилотлардан келган жами 2000 дан ортиқ сайёҳ келиб кўриб, катта таассуротлар олиб қайтишди. Тўгарак ва музейшунослик фаолларининг иш режасига асосан ўқув йили бошлангандан буён ўқувчиларни Яккабоғ қўрғонидаги Ёдгор Валламин мадрасаси, Беглик қўрғони, Шаҳрисабз шаҳридаги Соҳибқирон Амур Темур хиёбони, Оқсарой, Ҳазрати Имом каби тарихий обидаларга саёҳатга олиб бордик.

1999 йил – Аёллар йилида Республика, вилоят, туман музейларини тараққий эттиришда аёлларимизнинг тутган ўрни ҳақидаги кўргазмаларни ташкил этиш, музей ишларини яхшилаш, халқимизнинг бой тарихини янада чуқурроқ ўрганиш ва экспонатлар тўплашни режалаштирганмиз.

Бухор ЮСУПОВ,
Яккабоғ тумани ёш сайёҳлар ва ўлкашунослар маркази ўлкашунослик тўгарагининг раҳбари, биринчи тоифали тарих ва ҳуқуқшунослик фанлари ўқитувчиси

САУДИЯ АРАБИСТОНИ ЎҚУВ МАСКАНЛАРИ

3-бет

МММ ХАБАРЛАРИ

HAMKORLIKDA NISHONLANDI

Poytaxtimizdagi Hindiston elchixonasining madaniyat markazida Hindistonda Respublika o'rnatilgan kunga bag'ishlangan tantanali tadbir bo'ldi. Unda mahalliy hukumat vakillari, hind tili o'qitilayotgan maktab va universitetlarning talabalari ishtirok etdi. Tadbirda ikki mamlakat o'rtasida ta'lim sohasidagi hamkorlik masalalariga keng o'rin berildi.

Shuhrat YIGITALIEV

SAVODXONLIK BAYRAMI

Mirzo Ulug'bek tumani O'rol Tansiqboyev nomidagi 256 - maktabning 1 - sinflarida «Savodxonlik bayrami» bo'lib o'tdi. 1 - «D» sinfda bo'lib o'tgan bu bayramda ota-onalar, jamoatchilik vakillari va maktab jamoasi ishtirok etdi. Tantanada mazkur sinf o'qituvchisi Husniya Xo'janova rahbarligida kichkintoylar o'z bilimlarini namoyish etdilar.

Jo'raqul ISKANDAROV

«YOSH OILA» KLUBIDA

Qarshi muhandislik-iqtisodiyot institutida «Yosh oila» klubining «Oila va huquq» mavzuida navbatdagi davra suhbati bo'lib o'tdi.

Tadbirni institut «Ma'naviyat va ma'rifat» ishlari bo'yicha prorektori Sh.Murodov ochib, oilali talabalarga qimmatli maslahatlar berdi. So'ngra institut talabalar kasaba uyushmasi qo'mitasi raisi Shodmon Kubayev yig'ilganlarni tabriklab, 20 ta oilali talabaga pul mukofotlarini ulashdi.

Davra suhbatida klub a'zolari turli mavzularda muloqot o'tkazib, tez-tez yig'ilib turishga kelishib oldilar.

Gulsanam TILLAYEVA

УЧРАШУВ

Яқинда пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманидаги 92-мактабда Ҳиндистон Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси ходимлари меҳмон бўлишди. Меҳмонлар мактабда ҳинд тили ва адабиёти ўқитилиши жараёни билан танишдилар. Ўқувчиларнинг ҳинд тили ва адабиётини чуқур ва пухта билишлари меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

Сўнгра мактаб залида ўқувчилар томонидан тайёрланган Ҳиндистоннинг миллий кийимлари кўргазмаси, ҳинд қўшиқ ва рақслари ижроси мароқ билан тамоша қилинди. Кўрик ва концертдан завқланган элчи жаноблари Кумар Раис ўзининг чуқур мамнуниятини изҳор этди.

Элчихона ходимлари мактабга эсдалик совғаларини ва ўқув қуролларини топширди.

Шайхонтоҳур тумани ХТБ мудири Равшан Усмонбеков ҳам ўз навбатида меҳмонларга эсдалик совғаларини топширди.

С. САИДУМАР

ЎҚУВЧИ ИЖОДКОРЛИГИ САРИ

Куни кеча Тошкент шаҳар қўшимча таълим марказида «Ўқитувчининг шахсий ижодкорлигидан— ўқувчининг ижодкорлигига» номли семинар бўлиб ўтди.

—Семинардан кўзланган мақсад — деди шаҳар қўшимча таълим маркази раҳбари Галина Ҳамзаева, — ўқувчилар ижодкорлигини юзага чиқариш, уларни ижодкор, ҳур фикрли шахс қилиб тарбиялашдир. Бу ишда мактабдан ташқари муассасалар ходимларининг ҳам ёрдами керак бўлади.

Семинарда халқаро «Экосан» жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими раиси Шоира Ибрагимова, «Камолот» ёшлар жамғармаси раис муовини Қ.Раимжонова , Республика Маънавият ва маърифат жамоатчилик марказий ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти бўлими мудири Шамсиддин Жумаев, С.Раҳимов тумани «Соғлом авлод учун» таянч пункти раисаси Д.Олимжонова иштирок этди.

Конференцияда қизиқарли маърузалар ўқилди ва улар баҳс-мунозарага сабаб бўлди. Танаффусдан сўнг қатнашчилар шўъбалар иши билан танишдилар.

Шарифа МАДРАҲИМОВА

КЎЗГУДА СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ

DTM tahlili

Сирдарё вилоятидан 1998 йилда 5,29 мингдан ортиқ, шу жумладан, она тили ва адабиёти фанидан олий ўқув юртларининг кундузги бўлимида – 2341, сиртқи бўлимларида – 742, ўрта махсус ўқув юртларида – 2207; математика фанидан кундузги бўлимда – 930, сиртқида – 522, ўрта махсус ўқув юртларида – 1056; география фанидан кундузги бўлимда – 13; тарих фанидан кундузги бўлимда – 987, сиртқи бўлимда – 316, ўрта махсус ўқув юртларида – 28; биология фанидан кундузги бўлимларда – 520, сиртқи бўлимларда – 15, ўрта махсус ўқув юртларида – 958; физика фанидан кундузги бўлимларда – 426, сиртқи бўлимларда – 144; инглиз тилидан кундузги бўлимларда — 930, сиртқи бўлимларда — 321; немис тилидан кундузги бўлимларда — 124, сиртқи бўлимларда – 73; француз тилидан кундузги бўлимларда — 126, сиртқи бўлимларда – 62; Давлат ва ҳуқуқ асослари фанидан кундузги бўлимларда – 48 абитуриентлар тест синовларида қатнашдилар.

Сирдарё вилояти Республиканинг бошқа вилоятларига нисбатан жуда паст жавоблар самарадорлигига эришганликлари туфайли охирги ўринларда. Бундай ҳолатга тушиб қолишнинг маълум сабаблари мавжуд, жумладан, тест синовларига тайёргарлик ишларига, дастлабки синов тестларини ўтказишга кам эътибор берилишидир. Тестлар чоп этилган «Ахборотнома» журналларини ўқувчиларга ўз вақтида етказиш, ундаги тестларни ечиш учун қўшимча машғулотлар ўтказиш, дастлабки тест синовлари асосида битирувчиларни қайси ўқув юртига ўқишга киришлари юзасидан тавсиялар бериш ва бошқа шу каби масалаларга сусткашлик билан қараш оқибатидир. Вилоятнинг туман ва шаҳарларидан тестларда қатнашган абитуриентларнинг жавоблар самарадорлигининг статистик таҳлилида айрим фанлардан 15-20 фоиз самарадорликни кўриш ачинарли ҳолатдир. Биз вилоят халқ таълими бошқармаси, туман, шаҳар халқ таълими бўлимлари, малака ошириш институти услубият хоналарининг мутахассислари томонидан статистик таҳлил материалларини чуқур ўрганиб, тегишли хулосалар чиқарадилар ва зарур бўлган чоралар кўрадилар, деб умид қиламиз.

Қуйида фанлар бўйича вилоят абитуриентлари жавоблар самарадорлигининг кўрсаткичлари билан танишасиз:

Фанлар	Республика ўртача кўрсаткичи	кундузги бўлим	сиртқи бўлим	Ўр.мах. ўқув юрти	Ўрни
Она тили ва адабиёти	35,59	35,85	38,13	34,47	14
Математика	28,93	32,54	30,28	25,09	14
География	52,56	52,56	—	—	1
Тарих	47,40	48,03	43,60	51,05	12
Кимё	34,33	34,29	36,51	33,33	13
Биология	37,94	43,40	45,74	34,86	13
Физика	26,66	26,28	27,78	—	14
Инглиз тили	32,96	33,60	31,12	—	14
Немис тили	24,84	26,41	22,18	—	13
Француз тили	26,54	26,10	27,42	—	13
Давлат ва ҳуқуқ асослари	58,16	58,16	27,42	—	9

Сирдарё вилояти абитуриентларининг фанлар бўйича 1998 йил тест синовлари кўрсаткичлари
Ўрта махсус ўқув юртлари

№	Туман, шаҳар номи	Ўзбек тили ва ад. Абит. сони	Самарадорлик %	Математика Абит. сони	Самарадорлик %	Физика Абит. сони	Самарадорлик %	Биология Абит. сони	Самарадорлик %	Кимё Абит. сони	Самарадорлик %	Тарих Абит. сони	Самарадорлик %
1	Сирдарё тумани	305	31,52	173	24,69	0	0,00	115	32,68	2	36,11	15	44,81
2	Ховос тумани	218	36,33	122	23,59	0	0,00	73	38,39	0	0,00	22	58,46
3	Гулистон тумани	244	35,14	76	26,28	0	0,00	151	34,57	4	29,86	12	46,06
4	Сайхунобод тумани	278	32,52	106	25,52	0	0,00	140	29,62	7	27,78	23	49,40
5	Шароф Рашидов туман	128	39,04	40	24,93	0	0,00	67	38,85	1	36,11	20	55,97
6	Боёвут тумани	253	34,63	118	24,01	0	0,00	120	36,18	3	25,00	12	46,99
7	Мирзаобод тумани	125	34,84	40	25,56	0	0,00	73	31,43	4	39,58	8	45,83
8	Меҳнатобод тумани	55	34,29	24	24,65	0	0,00	25	40,89	0	0,00	6	56,48
9	Оқолтин тумани	127	35,94	71	25,39	0	0,00	46	37,98	0	0,00	10	56,94
10	Сирдарё шаҳри	41	40,65	22	23,74	0	0,00	11	37,63	5	43,33	2	44,44
11	Янгиер шаҳри	80	35,10	59	24,62	0	0,00	15	40,56	0	0,00	6	68,52
12	Ширин шаҳри	40	35,49	31	26,08	0	0,00	9	52,47	0	0,00	0	0,00
13	Гулистон шаҳри	128	32,01	75	27,26	0	0,00	47	33,81	0	0,00	4	50,00
14	Баҳт шаҳри	17	30,23	11	21,97	0	0,00	6	22,22	0	0,00	0	0,00
15	Наврўз шаҳри	2	33,33	0	0,00	0	0,00	0	0,00	0	0,00	0	0,00
16	Сардоба шаҳри	11	25,25	11	23,99	0	0,00	0	0,00	0	0,00	0	0,00

Сирдарё вилояти абитуриентларининг фанлар бўйича 1998 йил тест синовлари кўрсаткичлари
Олий ўқув юртларининг кундузги бўлимлари

№	Туман, шаҳар номи	Ўзбек тили ва ад. Абит. сони	Самарадорлик %	Математика Абит. сони	Самарадорлик %	Физика Абит. сони	Самарадорлик %	Биология Абит. сони	Самарадорлик %	Кимё Абит. сони	Самарадорлик %	Тарих Абит. сони	Самарадорлик %	География Абит. сони	Самарадорлик %	Инглиз тили Абит. сони	Самарадорлик %	Немис тили Абит. сони	Самарадорлик %	Француз тили Абит. сони	Самарадорлик %
1	Сирдарё тумани	137	32,93	61	28,64	28	24,21	25	40,00	23	32,49	52	45,78	1	44,44	55	27.93	15	22.04	4	23.61
2	Ховос тумани	235	39,21	105	38,36	55	28,74	49	50,40	43	41,15	94	49,79	1	33,33	86	33.69	7	23.02	20	25.00
3	Гулистон тумани	270	34,42	88	28,76	28	27,08	92	43,27	74	35,66	107	42,76	0	0,00	86	29.10	19	31.29	21	28.04
4	Сайхунобод тумани	204	34,56	99	32,83	55	27,07	44	42,36	32	32,47	71	45,46	2	54,17	58	38.94	24	22.69	6	35.65
5	Шароф Рашидов туман	251	39,61	75	30,22	40	22,36	74	46,96	66	33,29	112	49,93	5	58,89	88	34.00	8	31.25	18	30.09
6	Боёвут тумани	305	34,74	139	29,20	69	24,92	66	41,29	55	32,37	122	44,06	0	0,00	106	27.41	8	28.47	28	24.31
7	Мирзаобод тумани	129	34,13	54	30,61	22	24,12	25	36,78	21	27,78	55	47,63	1	30,56	55	35.00	3	25.00	12	22.45
8	Меҳнатобод тумани	45	34,44	19	30,99	11	25,25	7	48,02	7	42,06	19	49,56	0	0,00	22	30.81	4	27.78	1	22.22
9	Оқолтин тумани	108	34,90	48	32,52	20	28,75	29	38,22	26	27,46	35	45,79	1	61,11	45	31.48	6	20.37	0	0.00
10	Сирдарё шаҳри	54	31,84	22	30,68	13	21,15	15	40,93	15	28,89	18	45,06	0	0,00	14	46.03	7	30.95	3	22.22
11	Янгиер шаҳри	141	38,93	55	40,81	25	28,44	21	47,88	25	42,56	67	55,18	0	0,00	83	38.52	0	0.00	2	26.39
12	Ширин шаҳри	33	43,77	21	44,84	10	33,89	2	70,83	2	55,56	10	54,17	0	0,00	16	40.97	3	23.15	0	0.00
13	Фарҳод шаҳри	11	33,59	2	55,56	0	0,00	0	0,00	0	0,00	8	47,22	0	0,00	8	25,69	0	0,00	0	0,00
14	Гулистон шаҳри	302	35,43	114	33,97	32	28,82	63	42,37	44	34,97	134	50,56	0	0,00	169	37,31	16	29,69	0	0,00
15	Баҳт шаҳри	21	33,47	7	22,62	2	20,83	3	41,67	4	24,31	11	56,57	0	0,00	13	28,42	0	0,00	0	0,00
16	Сайхун шаҳри	4	19,44	2	27,78	2	40,28	0	0,00	0	0,00	2	33,33	0	0,00	0	0,00	2	26,39	0	0,00
17	Пахтаобод шаҳри	6	37,50	2	15,28	2	19,44	0	0,00	0	0,00	4	62,50	0	0,00	3	28,70	0	0,00	0	0,00
18	Сардоба шаҳри	3	26,85	0	0,00	0	0,00	0	0,00	0	0,00	2	45.83	0	0.00	2	18.06	0	0.00	0	0.00

Сирдарё вилояти абитуриентларининг фанлар бўйича 1998 йил тест синовлари кўрсаткичлари
Олий ўқув юртларининг сиртқи бўлимлари

№	Туман, шаҳар номи	Ўзбек тили ва ад. Абит. сони	Самарадорлик %	Математика Абит. сони	Самарадорлик %	Физика Абит. сони.	Самарадорлик %	Биология Абит. сони	Самарадорлик %	Кимё Абит. сони	Самарадорлик %	Тарих Абит. сони	Самарадорлик %	География Абит. сони	Самарадорлик %	Инглиз тили Абит. сони	Самарадорлик %	Немис тили Абит. сони	Самарадорлик %	Француз тили Абит. сони	Самарадорлик %
1	Сирдарё тумани	31	33,42	18	25,77	9	24,07	0	0,00	0	0,00	14	51,19	0	0,00	12	26,39	7	23,81	2	30,56
2	Ховос тумани	61	42,62	36	28,55	11	35,35	1	44,44	1	19,44	40	45,07	1	19,44	27	36,01	1	2,78	3	19,44
3	Гулистон тумани	81	40,40	61	29,37	16	23,26	2	48,61	2	38,89	37	37,54	0	0,00	33	30,98	5	26,11	6	31,02
4	Сайхунобод тумани	65	34,40	46	33,03	12	28,01	3	27,78	3	25,00	18	40,43	0	0,00	30	29,44	12	16,67	6	25,93
5	Шароф Рашидов туман	47	40,78	31	28,67	10	26,67	3	58,33	4	42,36	21	50,66	1	69,44	15	25,74	2	15,28	7	20,24
6	Боёвут тумани	96	38,31	74	26,35	14	24,21	1	55,56	4	49,31	42	41,87	0	0,00	34	27,12	2	23,61	20	22,92
7	Мирзаобод тумани	42	36,51	28	24,31	7	25,79	1	72,22	1	63,89	25	42,11	2	44,44	12	22,92	4	24,31	4	43,75
8	Меҳнатобод тумани	8	46,53	5	30,00	2	23,61	0	0,00	0	0,00	3	82,41	0	0,00	6	43,98	0	0,00	0	0,00
9	Оқолтин тумани	50	41,67	27	35,70	5	44,44	4	39,58	3	16,67	29	44,16	1	36,11	20	31,11	7	22,22	3	43,52
10	Сирдарё шаҳри	17	32,35	14	35,52	5	46,67	0	0,00	0	0,00	3	67,59	0	0,00	10	34,44	2	19,44	0	0,00
11	Янгиер шаҳри	66	37,84	47	34,57	20	23,61	0	0,00	0	0,00	25	38,67	0	0,00	36	37,19	0	0,00	3	26,85
12	Ширин шаҳри	20	36,81	19	29,24	10	30,00	0	0,00	0	0,00	4	23,61	0	0,00	6	24,07	0	0,00	0	0,00
13	Гулистон шаҳри	145	35,80	110	31,74	20	25,14	0	0,00	3	37,96	47	43,79	0	0,00	73	30,78	29	23,47	6	27,78

БОЛА КЎРИБ ҲАМ ЎРГАНАДИ

(Боши 1-бетда)

муҳимлиги нақадар долзарблигини англаб етмаяпмиз. Дейлик, ўқитувчи кўпол, кўрс, дуч келган жойда сўкиниб гапирувчи, фақат мактабда эмас, балки бошқа жойларда ҳам ўзини тута олмаса ўқувчи унинг қайси хислатидан ўрнак олиши мумкин? Чекадиган, ичадиган ўқитувчи тўй-ҳашамларда ўзини тута билмаса бундан ачинарлиси йўқ. Одатда бундай ҳолни кўриб, билиб туриб, у ўқитувчи-ку, тарбиячи-ку, унга танбеҳ бериш ноўрин, деб индамай кетаверамиз. Аслида эса, олий маълумотли - «қўлида дипломи бор» кишигина маънавиятли бўла олади, дейишимиз ҳамиша ҳам ўринли эмас. Ҳар бир тараққий этган миллат сингари халқнинг ҳам ўзига хос , ўзига мос миллий фазилатлари мавжуд. Устозга ҳурмат ана шулардан биридир. Биз мактабнинг ўз-қонун қоидалари, ўқувчилар риоя қилиши зарур бўлган ахлоқ меъёрлари ҳақида кўп гапирамиз. Балки ўқитувчилар учун шу каби жиҳатларни қамраган, бажарилиши шарт бўлган қоидалар мажмуи даркордир. Ҳар кимнинг ақл чироғи ўзига маёқ бўлсин. Бу ўринда гап умуман ўқитувчи маънавияти , маданияти ҳақида, муаллим ҳаммага намуна бўлган устоз мавқеини сақлай билиши кераклиги ҳақида бораётир.

Фикримизча, бўлажак ўқитувчида тарбияга эътиқод ҳаётий заруратга айланиши зарур. Шундагина у, ўқитувчи — тарбиячи бўла олади. Юриш-туриши, ахлоқи, кийиниши, муомаласи билан барчага ўрнак бўла оладиган ўқитувчи кадрларнинг янги авлодини шакллантириш таълим соҳаси олдида турган муҳим вазифалардандир.

Файзулла ТОЛИПОВ,
Фориш туманидаги
78-мактабнинг
тарих фани
ўқитувчиси

НЕМИС ТИЛИДАГИ НАМОЙИШЛАР

Пахтаобод туманидаги 21-лицей-интернатда туман хорижий тил ўқитувчиларининг кўргазмали семинари бўлиб ўтди. Меҳмонлар мазкур ўқув даргоҳи немис тили муаллимлари Ҳасанбой Аҳмаджонов ва Малика Адашбоеваларнинг очиқ машғулотларини кузатиб, ўзига хос янгиликлардан баҳраманд бўлдилар.

Болаларнинг немис тилида эмин-эркин сўзлашишлари, саволларга қайтарган бурро жавоблари, бу ерда хорижий тилларни ўрганишга айрича эътибор билан қаралаётганидан далолатдир.

Ўқувчилар томонидан соф немис тилида ва европача рухда намойиш этилган «Афанди билан бой» номли бадиий саҳна кўриниши, қўғирчоқлар спектакли ҳамда «7х7» шоуси йиғилиш иштирокчиларида катта таассурот қолдирди.

Аваз ҲАЙДАРОВ,
ўз мухбиримиз

ҲАМ ЖИҲАТЛИКДА

Milliy dastur — amalda

«Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг долзарб масалаларидан бири Олий ўқув юртларини ҳам ислоҳ этишдир. Сир эмаски, биздаги олий таълим тизимининг заиф томонлари мавжуд. Олий ўқув юртларида тайёрланаётган мутахассисларнинг кўп жиҳатдан замон талабларига жавоб бермаслиги, таълим соҳасининг халқаро меъёрлар ва андозаларга мос эмаслиги, ускуна ва жиҳозларнинг ачинарли аҳволи, ўқув дастурларини эскириб қолганлиги барчамизга аён.

Қарши Давлат университетида «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни амалга оширишга қатъият билан киришилди.

1998-1999 ўқув йилида, вилоятда 1 та академик лицей, 2 та касб - ҳунар коллежи замонавий биноларда иш бошлади. Янги ташкил этилган академик лицейлар ва коллежлар замонавий технология, юмшоқ ва қаттиқ мебел, дарслик ва ўқув қўлланмалари билан таъминланиб, малакали ўқитувчилар танлов асосида ишга жалб қилинган. Шу жумладан, университетнинг ўқитувчилар жамоаси академик лицейда ўз фаолиятларини давом эттиряптилар. 27 та бакалаврлик йўналишидаги мутахассисликдан ташқари, вилоят халқ хўжалиги учун зарур бўлган замонавий иқтисодчилар, бухгалтерлик, ҳисоб-кредит , ҳуқуқшунос-педагог, автомобилларни таъмирлаш ва ишлатиш, бичиш-тикиш, информатика ва компьютер саводхонлиги каби жами 11 турдаги кичик мутахассисларни университет қошидаги махсус мактаблар тайёрлаб беришга киришди.

Жумладан, халқаро бизнес мактаби иқтисод-кредит, бухгалтерлик, бизнес бошқарувининг ҳуқуқ ўқиш асослари, автомобил ва шаҳар транспортини таъмирлаш ҳамда эксплуатация қилиш, тўқимачилик ва енгил саноат технологияси, компьютер саводхонлиги бўйича, тил ўрганиш маркази, немис, форс ва араб тиллари бўйича, халқаро алоқалар маркази , инглиз, немис тиллари, инглиз тилидаги ҳисоб-кредит, инглиз тилидаги иқтисод-информатика йўналишларида кичик мутахассис кадрлар тайёрлаб бермоқда.

Университет базасида 1998 - 99 ўқув йилидан бошлаб академик лицей ташкил этилиб, унга тест танлови асосида 75 нафар қобилиятли ёшлар қабул қилинди. Физика - техника факультети базасида эса, вилоятдаги саноат, иссиқлик, газ, сув таъминоти корхоналари учун зарур бўлган, шаҳар автомобиль транспортини ишлатиш ва таъмирлаш, тўқимачилик ва енгил саноат технологияси бўйича мутахассислар тайёрлаш йўлга қўйилган. Шу билан бирга ушбу факультетда касб-ҳунар коллежларида ишлаши мумкин бўлган инженер — педагог кадрлар тайёрланмоқда.

Университетнинг аксарият кафедраларида ҳам «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни амалга ошириш юзасидан режалар белгилаб олинган. Айниқса, бу «Касб таълими ва умумий техника фанлари» кафедрасида сезиларли даражададир. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни ўрганиш ва муҳокама қилиш мақсадида «Ёшларни касб -ҳунарга тайёрлашни такомиллаштириш йўллари: муаммо ва ечимлар истиқболи» мавзусидаги ҳудудий илмий-амалий конференция (Қарши, 1997) вилоят халқ таълими бошқармаси билан ҳамкорликда ташкил қилинди.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да фанни ривожлантиришга ҳам муҳим ўрин берилган. Бу борада университетда бир қатор ишлар амалга оширилди. Ҳозирги кунда университетда 18 нафар фан доктори, 165 нафар фан номзоди ҳисобда туради. Юқори малакали илмий педагогик кадрлардан 55 нафари университет қошидаги аспирантурада, 14 нафари стажер-тадқиқотчи сифатида илмий изланишлар олиб бормоқдалар. 25 нафар тадқиқотчи ва 6 нафар докторант марказий олий ўқув юртларида фаолият кўрсатишяпти. ЎзР ФА ботаника боғида Л.Ёзиев, энергетика ва автоматика илмий-текшириш институтида А.Темурхонов, Тил ва адабиёт илмий-текшириш институтида Б.Йўлдошев, Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтида Д.Раззоқов, Москва педагогика институтида В.Тенлар докторантурада таҳсил олиш билан бирга ўзларининг илмий изланишларини ниҳоялаб қолдилар. Икки йил давомида 3 киши докторлик, 19 киши номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Олимларимизнинг илмий тадқиқотларида вилоят иқтисодини ривожлантириш, маданий ва маънавий қадриятларимизни , тарихимизнинг янгича жиҳатларини кашф қилиш асосий ўрин тутади. Масалан, доцент П.Равшанов Қашқадарё заминида таваллуд топган улуғ бобомиз Амир Темур ҳақида бир қанча китоб ва рисолалар чоп эттирди. Унинг ташаббуси билан илк бор «Қашқадарё тарихи» (39,5 босма табоқ) китоби нашрдан чиқди. У киши «Ўзбекистоннинг янги тарихи» дарслигининг муаллифларидан бири сифатида жиддий изланишлар олиб бормоқда.

«Таълим тўғрисида»ги Қонунда таъкидланишича, умумтаълим мактаблари, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари, бизнес мактаблари, Олий ўқув юртлари учун янги ўқув дастурлари, дарсликлар, ўқув қўлланмалари ва методик адабиётлар яратилиши керак. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган шифокор, профессор Б.Аминов ва доцент Т.Тиловов ларнинг 9 - синф ўқувчилари учун мўлжалланган «Одам ва унинг саломатлиги » дарслиги ўрта мактабларимизда дарслик сифатида ўқитилмоқда. Доцент Т.Ғаффорованинг «Савод» дарслиги бошланғич синфларда лотин алифбосига асосланган ўзбек алифбосини ўқитишда қўл келяпти . Профессор М.Очиловнинг «Ўқитувчи одоби» қўлланмаси педагоглар тайёрлайдиган олий ўқув юртларида фойдаланилмоқда .

1997 йил давомида университетимизнинг тўрт ходими малака ошириш, тажриба алмашиш мақсадларида хорижда бўлиб қайтишди. Ректор, фалсафа фанлари доктори, профессор Н.Ҳакимов Туркиянинг Анқара университетида, педагогика факультетининг декани, педагогика фанлари номзоди, доцент Т.Ғаффорова Англиядаги Билстон коллежида, 2 - инглиз тили кафедрасининг катта ўқитувчилари А.Алиқулов ва В.Жумоновлар Лондон университетида малака ошириб қайтишди.

Ректоратнинг таклифи асосида 1997 йилдан бошлаб АҚШ «Тинчлик корпуси»нинг кўнгиллилари талабаларимизга инглиз тилидан дарс бериб, беғараз ёрдам кўрсатмоқдалар. «Тинчлик корпуси»нинг университетимизда баракали хизмат қилиб кетган биринчи кўнгиллиларини ҳурмат билан эслаймиз. Бугунги кунда «Тинчлик корпуси»нинг кўнгиллилари - Тереза Паден, Майкл Эвери ва Ўрта Осиёга беғараз ёрдам кўрсатиш халқаро ташкилотининг кўнгиллилари - Тод Миллер ва Смитс жаноблари талабаларимизга инглиз тилидан сабоқ беришяпти. Айни пайтда тингловчиларимиз хорижий ишбилармонлар билан тадбиркорларимизга таржимонлик қилишяпти.

Халқаро ташкилот ва жамғармалар билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш, ички ҳамда хорижий инвестициядан юқори илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш мақсадида фойдаланишга катта эътибор берилмоқда. Жумладан, «Интернейшнл Каррикилум» ва «Пердкс» каби ташкилотлар гуманитар ёрдам тариқасида дарсликлар ва бадиий китоблар билан таъминлашга кўмаклашмоқдалар. Ҳозирнинг ўзидаёқ университетимиз «Интернейшнл Бук Банк» халқаро ташкилотининг қиймати 250 000 долларга тенг 20 минг китоб юбориш тўғрисидаги расмий таклифига эга.

Хуллас калом , университетимиз педагогик жамоасининг нияти улуғ. Миллий дастур ва «Таълим тўғрисида»ги Қонун барча олий ўқув юртлари қатори биз учун ҳам йўналтирувчи ҳужжатдир.

Ботир ЭГАМБЕРДИЕВ,
Қарши Давлат
университети
проректори, техника
фанлари доктори,
профессор

САУДИЯ АРАБИСТОНИ ЎҚУВ МАСКАНЛАРИ

Бу мамлакатга асос солинганига 100 йил тўлди

Истиқлол шарофати билан тенглар ичида тенг, ҳурлар ичида ҳур бўлган Она юртимизни тез орада жуда кўп давлатлар тан олди ва жонажон Ватанимиз билан дўстона алоқалар ўрнатишга киришди. Азиз диёримиз истиқлолини зўр қувонч билан кутиб олган ва у билан биринчилар қаторида дипломатик алоқалар ўрнатган давлатлар ичида бугун ўзининг юз йиллигини нишонлаётган Саудия Арабистони подшолиги ҳам бор. Юртбошимиз Ислом Каримовнинг бу табаррук заминга 1992 йил расмий ташриф буюриб, Подшоҳ ҳамда бошқа олий мартабали зотлар, мамлакат аҳолиси томонидан энг азиз меҳмон сифатида қабул қилинганидан сўнг эса ўзаро ҳамкорлик ўзани янада кенгайди.

Бугун Саудия Арабистони аҳли бу мамлакатга асос солинганининг ҳижрий солномаси бўйича юз йиллигини кенг кўламда нишонлаётган кунларда биз бу муқаддас қадамжолар юрти, унинг ўтмиши ҳамда яқин орада қўлга киритган баъзи ютуқлари ҳақида сўз очишга қарор қилдик.

Осиё қитъасининг жанубий-шарқида жойлашган, Араб яриморолининг деярли 80 фоиз майдони узра ястанган бу улкан мамлакатга шоҳ Абдул Азиз ибн Абдураҳмон Ал-Файсал Ол Саъуд ҳижрий 1319 йил шувол /январь/ ойининг бешинчи куни Ар-рияд шаҳрини фатҳ этганидан кейин асос солган эди. Саводсизлик, оч-яланғоч, фақирлик, турли хасталиклар авж олгани етмаганидек, ўзаро адоват, бебошлик, бошбошдоқлик, нотинчлик ҳукм сураётган, оқибат, ҳамжиҳатлик кўтарилган бу ўлка қисматидан қайғуга тушган Абдулазиз тарқоқ халқ бошини қовуштиришга, юртда тинчлик, осойишталик, ўзга юртлар билан яхши қўшничилик алоқаларини ўрнатишга киришди ва бу хайрли ишлар йўлига у 30 йилдан ортиқ умрини сарфлади.

Шуниси эътиборга лойиқки, Саудия Арабистони 1970 йилдан буён иқтисодий-ижтимоий тараққиётнинг беш йиллик режалари асосида ривож топиб келади. 1995 йил бошларидан бошлаб мамлакатда 1995-2000 йилларга мўлжалланган олтинчи беш йиллик режани амалга оширишга киришилди.

Шу беш йиллик ичида тобора ривожланиб бораётган таълим-тарбия соҳасини оладиган бўлсак, 1953 йилдан бери таълим-тарбия муассасалари ва унда таҳсил олаётганлар сони ҳам, салмоғи ҳам кескин ўзгарди. Агар 1969-70 ўқув йилида мамлакатда 3283 мактаб ва коллеж бўлган бўлса, 1994-95 ўқув йилига келиб улар 22 мингга етди. Ўғил болалар ўқийдиган мактаблар сони 1964-65 ўқув йилида 2654 тани ташкил этган бўлса, 1992-93 ўқув йилида улар 10419 тага етди. Қиз болалар ўқийдиган мактабларга келсак, улар мана шу давр ичида 453 тадан 10558 тага кўпайди.

Зеро, яқин ўтмишда саводсизлик авжига чиққан, аксар аҳолиси савдо-сотиқ, маиший хизмат турлари билан банд ўлка оёққа туриши, ривожланиб, тараққий этган давлатлар билан баробар одим ташлаши учун таълим-тарбияга, юқори малакали маҳаллий кадрлар етказиб чиқаришга ўта зарурат сезилар эди. Боз устига ўзга юртлардан келиб мамлакатда хизмат қилаётган ажнабий мутахассислар ўрнига ҳам астасекин малака жиҳатидан улардан қолишмайдиган маҳаллий кадрларни қўйиш эҳтиёжи ҳам йўқ эмас эди.

Айни чоғда Саудия Арабистонида ўқитиш даражаси ҳамда замонавий ўқув-техника воситалари билан жиҳозланиши жиҳатидан дунёда энг етакчи ўринларда турадиган 7 та университет фаолият кўрсатиб турипти.

Рияддаги Шоҳ Саъуд университети мамлакатдаги биринчи, энг кекса университет бўлиб, у 1957 йил ташкил этилган. Таркибида 19 та факультет, 1 та институт, Шоҳ Холид ҳамда Шоҳ Абдулазиз номларидаги 2 та университет касалхона-поликлиникаси бор. Бу университетда 32 мингдан ортиқ талаба таҳсил олади.

Ал-Мадина ал-Мунавварадаги Ислом университети мамлакатда таъсис этилган иккинчи университет бўлиб, ўз фаолиятини 1962 йил бошлаган. Унинг таркибида 5 та факультет, бир неча бўлим ва аспирантура бор. Университетда 7000 толиб таҳсил олади. Улар орасида дунёнинг турли мамлакатларидан келган 100 дан ортиқ миллат ва элат вакилларини учратиш мумкин.

Шоҳ Фаҳд номидаги нефть ва металлургия университети. У 1963 йили мамлакатнниг шаркида жойлашган Аз-Заҳрон туманида очилган. Бошида у «Нефть ва металлургия факультети» деб юритилар эди. Бу университет таркибида 7 бўлим ҳамда амалий тадқиқотлар маркази, аспирантура фаолият кўрсатади. Университетда 6000 толиби илм таҳсил кўради. Аспирантурада эса 600 дан ортиқ тадқиқотчилар ўз илмий ишларини олиб борадилар.

Шоҳ Абдулазиз номидаги университет. 1967 йилда Жидда шаҳрида миллий университет тарзида очилган эди. 1971 йилда у давлат университетига айлантирилган. Университетда 9 та факультет, Шоҳ Фаҳд номидаги тиббиёт илмий тадқиқот маркази ҳамда иқтисод, энергетика, инглиз тили, электрон ҳисоблаш машиналари, техникавий таълим марказлари ўз ихтисослари бўйича илмий изланишлар олиб боради. Университетда 34 мингдан зиёд талаба ўқийди.

Рияддаги Имом Муҳаммад бин Саъуд номли Ислом университети. 1974 йил ташкил топган бу улкан олий ўқув маскани таркибида 10 факультет, мамлакат ичкарисидаги унга қарашли 5 та, мамлакат ташқарисидаги 6 та институт бор. Мамлакатнинг турли туманларида университетнинг яна 60 га яқин илмий-тадқиқот марказлари ҳам фаолият кўрсатади. Университетда ўқиётган ёшлар сони 28000 дан ортиқ.

Шоҳ Файсал номидаги университет мамлакатнинг шаркида 1975 йил ташкил этилган. Унинг қарамоғида 6 та факультет ҳамда бир қанча малака ошириш марказлари бўлиб, унда 6000 дан ортиқ толиб ва толиба таҳсил олади.

Маккатул-Мукаррамада жойлашган «Умму-л-Қураа» университети мамлакатдаги энг йирик олий ўқув юртларидан ҳисобланади. 1981 йил очилган бу билим даргоҳида 8 та факультет, 7 та муайян соҳага ихтисослашган илмий марказ ҳамда қатор институтлар фаолият кўрсатади. Университетда 14600 та толиб ва толиба билим олади.

Саудия Арабистонидаги ўрта ва олий ўқув юртларида ўқиётган ёшларнинг умумий сонига келадиган бўлсак, у ҳозирда 4 млн.дан ошиб кетган. Ваҳоланки, 1969-70 ўқув йилида мамлакатда 600 минг йигит ва қиз таҳсил олган эди.

Яна шуниси эътиборга лойиқки, Саудия пойтахти Ар-Рияд шаҳрида маъмурий жиҳатдан Вазирлар маҳкамаси раисига қарайдиган, бошқарув ва молия ишларини бевосита икки муқаддас қадамжо ходими — Шоҳ ҳазрати олийлари раислигидаги Олий кенгаш бошқарадиган мустақил илмий даргоҳ Шоҳ Абдулазиз номидаги қатор илмий-тадқиқот муассасаларидан иборат илм ва фан шаҳарчаси ҳам мавжуд бўлиб, у мамлакатда илм-фан тараққиёти миллий сиёсатини ишлаб, уни ҳаётга татбиқ этиш стратегияси ҳамда керакли дастурини таклиф этади. Шу билан бирга у мамлакат тараққиётига хизмат қиладиган амалий аҳамиятга эга илмий-тадқиқот ишларини бажаради. Маҳаллий ва халқаро илмий-тадқиқот муассасаларининг биргаликдаги изланишларини амалий қўллаб-қувватлаш ҳам шу шаҳарча зиммасида. Айни чоғда у мамлакат бўйича олиб бориладиган илмий изланиш ва маълумотлар айирбошлашни мувофиқлаштиради ҳам.

Саудия Арабистонида техника фанларини ўқитишга ҳам катта эътибор бериб келинади. Бу соҳадаги ўрта ва махсус ўқув юртларида ўқиётган ёшлар сони 1969-70 ўқув йилида атиги 840 та бўлган бўлса, 1984-85 ўқув йилига келиб уларнинг сони 30000 дан ортиб кетди. Бу соҳада таълим бераётган ўқув юртларининг сони ҳам 5 тадан 69 тага етди.

Жисмонан заиф ва ногирон болалар таълими ҳам давлат диққат-эътиборидан четда қолган эмас. Бу борада 60 га яқин ўқув даргоҳлари 6000 дан ортиқ ёшларга билим бериб келади.

Саудия Арабистонида таълим, хусусан, олий таълим ҳақида сўз кетар экан, нафақат талабалар қаторида, балки олий ўқув юртлари устозлари орасида ҳам мустақил Ўзбекистон вакиллари борлигидан чексиз қувонч ҳиссини туяди, киши. Зеро, Саудия Арабистони Ўзбекистон мустақиллигини 1991 йил декабрида тан олиб, 1992 йил февралида мамлакатларимиз орасида дипломатик алоқалар ўрнатилганидан сўнг, 1995 йил Саудияда Ўзбекистон элчихонаси, 1996 йил Ўзбекистонда Саудия Арабистони элчихонаси ўз фаолиятини бошлаган эди. Бу борада имзоланган битим ва келишувлар ўзаро алоқаларни янада юқори поғонага кўтариш имконини берди. Ўтган йили октябрь ойида Саудия Арабистонидаги бир қатор олий ўқув юртлари бошлиқларидан иборат делегация олий таълим вазири Холид бин Муҳаммад Ал-Анқарий бошчилигида Ўзбекистонга ташриф буюрди. Улар юртимизда бўлган чоғларида икки мамлакат олий ўқув юртлари орасида ўқитувчи ва талабалар алмашиш, биргаликда илмий тадқиқотлар олиб бориш, Она диёримизда сақланаётган нодир қўлёзмаларни ўрганиш ва нашр этиш, тарихий обидаларимизни таъмирлашда ҳамкорлик қилиш, таълим-тарбия борасида орттирилган тажрибаларни ўртоқлашиш сингари муҳим ишлар бўйича келишиб олишди.

Бахтиёр ИБРОҲИМОВ,
шарқшунос

Суратда: Саудия Арабистонидаги Шоҳ Саъуд университети биноси

MA'RIFAT maslahatxonasi

? ? ?

Ҳурматли муҳарририят!

1997 йилнинг 25 августида фарзандли бўлдим. Ишлашга шароитим борлиги учун ҳомиладорлик таътили тугамай туриб, мактабга қайтдим.

Икки ёшгача бўлган болаларга нафақа пули аёл ишлаб турган жойдан тўланиши кераклигини айтганимда, директор «Сизга бу пул тўланмайди!» деган гапни айтди.

Шу масалани ойдинлаштириб берсангиз.

Мавжуда Ўтаева,
Самарқанд вилояти,
Иштиҳон тумани, Митан посёлкасидаги
41-ўрта мактаб ўқитувчиси

! ! !

Халқ таълими вазирлиги бухгалтерия ҳисоби ва ҳисобот бошқармаси бошлиғи Ж. Юсупов ушбу саволга қуйидагича аниқлик киритади:

Ўзбекистон Республикаси «Меҳнат» кодексининг 234-моддасида кўрсатилишича, аёл ҳомиладорлик таътили тугамай туриб, ўз хоҳиши ва имкониятига кўра ишга чиқиши мумкин. Агар аёл тўлиқ бўлмаган иш шароитида ишлаётган бўлса ёки уйда иш берувчининг ишини бажараётган бўлса, нафақа тўланади. Қолган ҳолларда бу нафақа тўланмайди.

? ? ?

Ногирон болаларни уйда ўқитганлик учун ҳақ тўлаш тартиби қандай?

Тўлиш Қодирова,
Бухоро вилояти,
Шофиркон туманидаги
17-ўрта мактаб ўқитувчиси

Бу саволни Ўзбекистон республикаси ХТВ режа ва молия Бош бошқармаси меҳнат ва иш ҳақи бўлими бошлиғи М. Нестерова шундай асослаб беради:

! ! !

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 20 август 409-сонли «Ўқитувчи ва ўқувчилар турмуши моддий шароитларини яхшилашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан, 1997 йил 1 сентябридан бошлаб бевосита ўқув-тарбия жараёни билан боғлиқ раҳбар ходимларнинг, жисмоний ёки ақлий ривожланишида камчилиги бўлган, /кар, соқов, ақлий ривожланишда камчилиги бўлган ва бошқалар/ болалар ва ўсмирлар учун мактаблар, мактаб-интернатлар, мактабгача муассасалар, ўрта махсус ва ҳунар-техника ўқув юртлари, синфлари/гуруҳлари/даги алоҳида иш шароитлари учун педагог ходимлар, руҳшунослар ва ишлаб чиқариш таълими усталарининг ставкалари ва ойлик лавозим маошларига қўшимча ҳақни 2 баравар ошириш кўзда тутилган.

Медицина хулосалари бўйича болаларни, якка, уйда ўқитган соатлар учун, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 29 сентябрь 490-сонли «Халқ таълими ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш шароитларини тартибга келтириш тўғрисида»ги қарорида кўзда тутилганидек, иш ҳақи ойлик ставкасини 50 фоизга ошириш ҳисобидан ҳақ тўланади.

Hamkorlik

ХУДЁЙ ГУЛЧИ

Халқаро қизил хоч қўмитаси бир асрдан ортиқ вақт давомида дунёдаги кишилар орасида ўзаро муносабатларни инсонпарварлик асосида қуриш ғояларини ёйишгина қолмай, балки бу борада катта амалий фаолият юритиб келаяпти. ХҚХҚ вакили, Ўрта Осиё республикаларидаги таълим лойиҳалари раҳбари Роберто Симонани биз бир гуруҳ олим ва мутахассислар билан қизғин мунозара устида учратдик.

— Бу кишилар ўзбекистонлик мутахассислар, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг ХҚХҚ билан тузган шартномасини амалга ошириш устида меҳнат қилмоқдалар, — деб уларни таништирди Р.Симона.

— Мазкур шартномага мувофиқ умумтаълим мактабларининг битирувчи синф ўқувчилари учун «Инсон ва жамият» курси бўйича қўшимча ўқув қўлланмаси яратилди. Бу қўлланмада Халқаро Инсонпарварлик Ҳуқуқи ҳақидаги билимлар ёритилган. Қўлланма тузилиши ва мазмуни жиҳатидан ҳам илгариги қўлланмалардан фарқ қилади.

— Юзаки қараганда, ушбу китоб ўқувчиларни беқарор вазиятлар ҳақида фикр юритишга йўналтираётгандек туюлди. Қўлланманинг биринчи қисмидаги материаллар кўпроқ ана шу мазмунда қурилганлиги билан ажралиб тураркан. Ўзбекистондек тинчликсевар ва барқарор мамлакатда бу ҳақда фикр юритишга эҳтиёж борми? Ёки бунга сабаб унинг ҳозирги пайтда қуролли тўқнашувлар юз бераётган минтақа марказида жойлашганлигими?

— Қўлланма устида ишлаган олим ва педагогларнинг ўз олдиларига қўйган вазифалари бутунлай бошқа. Асосий мақсад ёшларни дунёга меҳр-шафқат, ўзаро ёрдам, муҳтожларни, улар ким ва қаерда бўлишидан қатъий назар, ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш каби инсонпарварлик қадриятлари нуқтаи назаридан нигоҳ ташлашга ўргатишдан иборат. «Инсоннинг ўзи нима?», «У маданий мавжудодми ёки ваҳшийми?», деган саволлар устида бош қотиришларига қаратилган. Шунинг учун биз мазкур қўлланмада кўтарилган масалалар ёш йигит ва қизларнинг нотинчлик, айниқса шафқатсизлик вазиятларида кишилар ўзларини турлича тутишлари ҳақида ўйлаб қуришларига туртки беради деб умид қиламиз. Тарихнинг турли даврларига тааллуқли аниқ мисоллар ёки ўтмишнинг атоқли маърифатпарварларининг асарлари билан танишиш баробарида ўша воқеа ҳамда тарихий шахслар хатти-ҳаракатлари омиллари хусусида ўйлаб кўришга ундайди. Бу ёшларнинг жамиятда амал қилувчи ўзаро муносабатларининг қадрини англашларига имкон беради.

Яна бир муҳим жиҳат хусусида тўхталиб ўтиш жоиз. Нима сабабдан ушбу қўлланма ХҚХҚ, Халқ таълими вазирлиги ҳамда Қизил ярим ой Миллий жамиятининг ўзаро ҳамкорлиги маҳсули бўлди. Ташкилот ҳаракат дастурининг бош мақсади энг муҳим ўзаро умуминсоний муносабатлар руҳиятини барча учун бирдек сақлаб қолишга қаратилган. Инсон ва у яшаётган жамият тўғрисида гапирганда, ҳаётни ҳеч нарсадан ортиқ деб ҳисобловчи ва барча ишларини ўз манфаатлари ва ҳаётини сақлаш учун бажарадиган, ҳеч нарсадан ҳайиқмайдиган, ҳеч нарсага ишонмайдиган, ҳеч нарсага ишонмоқчи бўлмаган, ҳеч нарсага ишонмоқчи бўлмаган, ҳеч нарсага ишонмоқчи бўлма

Ko'ngil bitiklari

ВАФОНИНГ ДИЛИДА ЭРКАЛАНАР БАХТ

* * *

Кўнглимда қолмади бир илинж,
Ишончимни узиб ташладим.
Кунлар энди беролмас таскин,
Мен сизни соғина бошладим.

Қаламни ахтарган нигоҳим
Девордаги суратга тушар.
Ёлғизлик — энг катта гуноҳим
Кунларимга аламин қўшар.

Сиз йўқсиз...
Наҳотки шу сўз рост.
Ишонгим келмайди ҳали ҳам.
Сиз ҳаётсиз — кўзлари чарос,
Мени адо қилолмайди ғам.

Саодат ОЛИМОВА

* * *

Кафти яғир кунлар бағрига чорлар,
Ишончсиз умиднинг бағрида титроқ.
Сенинг изларингдан бўсалар олган,
Телба руҳ дилимни қилади сўроқ.

Сувлар аллалайди нилуфар гулни,
Ҳаётнинг кўзида ишқ капалаги,
Армоним йиғлайди, қучоқлаб тунни,
Оққушлар дилимнинг маҳзун малаги.

Қорнинг юрагида бир гул ўсади,
Ойнинг нурларида чўмилар дарахт,
Ҳижроннинг йўлини висол тўсади,
Вафонинг дилида эркаланар бахт.

Хазонларни боссам оғрийди жоним,
Мен хасис кунлардан нени истадим.
Шу кеча дунёни унутиб, илк бор,
Кимнидир соғиниб узоқ йиғладим.

Замира ТЕМИРОВА,

* * *

Юрагимда бир дард яшайди,
Саҳар — шом кўзимга инмайди уйқу,
Ширин ташвишлари кўнглим мулкидир,
Қалбим оламида илоҳий туйғу.

Тизгинсиз хаёллар бўлиб ҳамроҳим,
Тонг-саҳар тақдирнинг ҳукмин кутаман.
Гоҳи оҳимдир у, гоҳ кўкда моҳим,
Ўшал дард қўлини маҳкам тутаман.

Коса тўла бир бода у,
Силкитмай сақлайман киприкларимда,
Ҳисларимдек озода у
У ўлмайди тириклигимда...
Юрагимда бир дард яшайди...

Муқаддас ЮСУПОВА

Сурхондарё вилояти Денов туманидаги ёш техниклар ижодиёти маркази қошида турли хил тўгараклар ишлаб турибди. Ўқувчилар эса дарсдан бўш пайтлари бу масканда қизиқишлари бўйича ҳунар ўрганишмоқда.

Суратда марказ иштирокчилари Беҳзод Ўроқов ва Асрор Ҳақназаровлар ўз ишлари билан.

Р. АЛЬБЕКОВ олган сурат

ТУМАНИМИЗ ТАВСИФИ

Ҳар бир инсоннинг туғилиб ўсган масканини севиши она-Ватанга бўлган муҳаббатнинг дебочасидир.

Деҳқонобод тоғли туман ҳисобланиб, Қашқадарё вилоятининг жанубий-шарқидадир. Туманимиз вилоятнинг Ғузор ва Қамаши, Сурхондарё вилоятининг Бойсун тумани ва Туркманистон Республикасининг Керки тумани билан чегарадош. Рельефи ўртача баландликдаги тоғлар, паст тоғликлар ва тоғ олди қия текисликларидан иборат. Нефть, газ, ош тузи, калий тузи ва бинокорлик материаллари заҳираси катта. Туман ҳудудидан Катта Ўрадарё ва Кичик Ўрадарё оқиб ўтади. Дарёлар асосан қор ва ёмғир сувларидан тўйинади. Катта Ўрадарё билан Кичик Ўрадарё бир-бирига қуйилиш жойида 280 миллион м³ сув сиғадиган Пачкамар сув омбори қурилган.

Туманнинг тоғли ҳудудида қўнғир тупроқ, тоғ олди ва текислик қисмида эса оч ранг бўз тупроқ бор. Арча, заранг, учқат, бодом яхши ўсади. Шунингдек шувоқ, шўра, янтоқ ва эфемерлар ҳам мавжуд. Туманнинг тоғли қисмида айиқ, тўнғиз, бўри, тулки, жайра, суғур каби жониворлар яшайди. Оқработ қишлоғи Тошкент-Термиз автомагистрал йули ёқасида жойлашган. Бу ерда Оқработ довони бор. Шу ердан «Буюк ипак йўли» ўтган. Бу довонга шарқнинг энг фозил ва оқил кишилари, шеърият мулкининг султони Ҳазрат Алишер Навоий, адолатли шоҳ ва буюк шоиримиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур, буюк Амир Темурларнинг муборак излари тушган.

Туманда шифобахш масканлар бисёр . Шулардан бири Хўжаипак ҳисобланиб, у жанубий-ғарбий Ҳисор тизмаларининг этакларида жойлашган. Хўжаипак чашмаси денгиз сатҳидан 850 м баландликда жойлашган.

Хўжаипак чашмаси оҳактошлардан иборат тоғ қатламини тешиб, қайнаб чиқади.

Иссиқлиги 18-25 даража, ўзидан олтингугурт ҳиди келиб туради. Қизиғи шундаки, чашма суви миқдори доимо бир хилда туради.

Олиб борилган текширишлар давомида Хўжаипак сувининг таркибида натрий, калий, калций, магний, хлор ва бошқа ҳар хил тузлар, олтингугурт, гидрокарбонат, сульфат моддалари борлиги аниқланди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги бу сувни ҳаракатлантирувчи буғинлар, тери, неврология, юрак-қон томири, гинекология ва бошқа касалликларни даволаш учун тавсия этади.

Алишер НАРМАНОВ,
Деҳқонобод туманидаги
7- мактаб
ўқитувчиси

Xullas...

ҚАҲВА ОРАСИДА ОЛТИН...

Анджей Славинский деган киши дукондан майдаланмаган қаҳва донини сотиб олди. Ахир ўз қўлинг билан майдаланган қаҳвани дамлаб ичишнинг гашти бошқача-да!

Шундай қилиб, Анджей қаҳва уруғларини махсус асбоб ёрдамида майдалай бошлади. Тасодифан нимадир асбобга қаттиқ урилди. Славинский қаҳва уруғлари орасида сариқ рангли металл парчаларини кўриб, юраги ҳаприқиб кетаёзди. Қараса, тўрт дона тиш қопламаси. Ажабо, бунинг тагида қандай сир яширин? Эҳтимол, бу сотувчиларнинг қандайдир «операция»сидир. Балки, маҳсулот ишлаб чиқарган корхонанинг ишидир...

Анджей товарни сотиб олган савдо шаҳобчасига бормоқчи, бунинг тагига етмоқчи бўлди. Аммо, фикридан қайтди, синчиклаб қараса, тиш қопламалари ҳақиқий олтинга ўхшади. Олтин «эга»си топилмани нима қилишга ҳайрон, деб хабар беради «Жиче Варшавий» газетаси.

ҲАЙВОНЛАР ҲАМ ЙИҒЛАЙДИ

Йиғлаб кунгилни бўшатмоқ фақат инсонларга хос эмасга ўхшайди. Ҳайвонлар ҳам вақти келса кунгилларини бўшатиб олишар экан. Бунга Дуров номидаги Воронеж цирки артистлари гувоҳ бўлишди.

«Сувнинг фусункор манзараси» деб номланган шоуга келтирилган денгиз арслони Сандра тусатдан ҳалок бўлди . Ветеринар врачлар жасадни текшириб кўриб, овқатдан заҳарланиш унинг ўлим билан юзлашишига сабабчи бўлган, дейишди.

Шоунинг иккинчи иштирокчиси Сандранинг шериги Жанна ўз «дугонаси»нинг ўлимидан шу қадар қаттиқ изтиробга тушдики, ҳатто манежга чиқмади. Кейинги кунларда эса ўргатувчиларнинг унга нисбатан мулойим илтифот кўрсатишлари ҳам ёқмай қолди. Жанна бора-бора ишлашдан ҳам буткул бош тортди. Шурликнинг кўзларида ғилтиллаган ёш...

ҚУШАЛОҚ ЗИЁН

«Чексиз имконият ҳар ерда ва ҳар дам». Биз бу иборани уяли телефонга нисбатан қўллашга одатландик. Ҳозирда у кириб келмаган давлат қолмади. Ана шу қулай ускунанинг ҳам «лекин»и бор экан.

Британиялик тиббиёт ходимлари уяли телефони бор кишилар ўртасида уларнинг ўз хоҳишларига кўра тажриба ўтказишди. Юрак оғриғи борлар бу воситадан мумкин қадар камроқ фойдаланишлари керак экан. Демак, юракка зиён. Соппа-соғ одамлар ҳам бу асбобда 35 минутдан ортиқ гаплашмасликлари лозим. Акс ҳолда қон босими касаллигига дучор бўлиш ҳеч гап эмас. Кунига бир соатдан ошиқ гаплашган кишининг эса мияси чарчаб, боши оғрийди.

Қисқаси, англиялик тадқиқотчилар ушбу телефонни сотишда харидорга унинг зарари ҳақида махсус огоҳнома ҳам қўшиб беришни таклиф қилмоқдалар. Кўриб турибсизки, бу телефондан ҳам соғлигингиз, ҳам чўнтагингиз зил кетади. Яхшиси, унга ҳавас қилмаган маъқул...

ana shunaqa gaplar...

Sport

МОСКВА «ЖАНГИ»ДА

Москва шаҳрида ўтаётган шоҳмот бўйича ёшлар ўртасидаги 1-халқаро турнирда ҳамюртимиз, ёшлар ўртасида жаҳон чемпиони Иброҳим Ҳамроқулов 4-турдан кейин пешқадамликни ишонч билан ўз қўлига олди.

ЯНГИ МАВСУМ ЯНГИ МУРАББИЙ БИЛАН

Футбол бўйича 8-миллий чемпионатимиз бошланишига ҳам саноқли кунлар қолмоқда. Мавсумга қизғин тайёргарликни «Пахтакор», «Бухоро», «Насаф», «Дўстлик», «Самарқанд», «Хоразм» жамоалари мураббийлар алмашуви билан бошлаб юборишди.

БАЛЛИ, ТАЛАБА!

ТошДУ талабаси Сергей Қаюмов Англияда бўлиб ўтган ҳаваскор шоҳмотчилар баҳсида муваффақиятли дона сурди. 77 нафар шатранж усталари иштирок этган ушбу беллашувда у бир хил очко тўплаган рақиблар билан 3-5-ўринларни бўлишиб олди.

ДУБУЛҒА МАЛИКАСИ

Теннис тарихида аёллар ўртасида «1-рақамли теннисчи» номини энг узоқ вақт (377 ҳафта) ўзида сақлаб тургани ҳозирча немис аёли Штеффи Графф экан. Теннис маликалари орасида энг кўп (ҳозиргача 20.614.142 АҚШ доллари) пул топгани ҳам яна Штеффи Графф.

«БАЛИҚ» БОЛА

Америкалик Женни Стиллардннинг ўғли Даниел накд балиқнинг ўзи бўлиб чиқди. Уч ойлигида сузишни ўрганиб олган зумраша уч ярим ёшга тўлган айни дамларда 400 метр масофани ҳеч кимнинг ёрдамисиз бемалол сузиб ўтаяпти. Энг қизиғи, унинг сузиш усули ҳам одамникидан кўра кўпроқ бақа ва илоннникига ўхшаб кетармиш.

maydonchasi

ДИҚҚАТ, ЭЪЛОН!

«ПЕДАГОГИК ТЕСТЛАРНИНГ ИЖОДКОР МУАЛЛИФИ» РЕСПУБЛИКА ТАНЛОВИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази тест жамғармаларини сифатли шакллантириш, юқори малакали тест тузувчиларни аниқлаш учун қуйидаги ўқув фанлари бўйича 1999 йилнинг «Педагогик тестларнинг ижодкор муаллифи» республика танловини эълон қилади.

Танловда иштирок этиш истагини билдирган шахслар қуйида кўрсатилган муддатда ҳар бир фан бўйича 50 та (белгиланган миқдордан ортиқ йўлланган тестлар инобатга олинмайди) тест топшириқлари қўлёзмасини Давлат тест марказига юборишлари лозим:

- **Она тили ва адабиёти (ўзбек, қорақалпоқ, рус тиллари);**
- **Математика;**
- **Физика;**
- **Кимё;**
- **Биология;**
- **Тарих;**
- **География;**
- **Чет тили (инглиз, немис, француз тиллари);**
- **Давлат ва ҳуқуқ асослари;**

Ҳар бир тест топшириғи ўрта мактаб дастури асосида тузилган бўлиб, унинг бешта жавоби бўлиши, жавоблардан фақат биттасигина тўғри ва тўғри жавоб биринчи ўринда ёзилиши зарур.

Танлов иштирокчилари алоҳида қоғозда ўзи ҳақидаги маълумотлар:

- Фамилияси, исми, отасининг исми;
- Иш ёки ўқиш жойи, эгаллаб турган лавозими;
- Яшаш жойининг тўлиқ манзили ёзилиши лозим.

«Педагогик тестларнинг ижодкор муаллифи» ғолиблари учун қуйидаги миқдорда пул мукофоти жорий қилинди:

- **биринчи ўрин учун — 5 минг сўм;**
- **иккинчи ўрин учун — 4 минг сўм;**
- **учинчи ўрин учун — 3 минг сўм.**

Танлов ғолиблари билан Давлат тест маркази ўртасида меҳнат шартномаси тузилади. Улар тузган тест топшириқлари марказнинг тест банк жамғармасига киритилади.

Танлов иштирокчиларининг қўлёзмалари муаллифларига қайтарилмайди.

Танловда иштирок этишга шошилинг!

Танлов муддати 1999 йил 1 февралдан 15 апрелгача давом этади.

Манзилимиз: 700100, Тошкент шаҳри, Бобур кўчаси, 22ᵃ уй,

Давлат тест маркази.

Маълумот учун телефонлар: 55-95-73, 55-67-83.

ФУТБОЛ СИНФЛАРИ

Спорт саломатликни мустаҳкамлаш, Ватан донғини дунёга таратиш воситаларидан биридир. Шунинг учун ҳам Республика Вазирлар Маҳкамаси 1996 йилнинг 17 январида Ўзбекистон футболини ривожлантириш тўғрисида қарор қабул қилган эди. Асакалик таълим ходимлари ана шу қарордан келиб чиқиб яқинда шаҳардаги 3-,7-мактабларда футбол синфларини очишган эди. Болалар жисмоний тарбия дарсларида ҳамда мактабдан сўнгги машғулотларда футбол техникасини ҳафсала билан ўрганмоқдалар. Шундай қилиб, футбол нафақат катта ўйингоҳларда, балки мактабларнинг жажжи майдончаларида ҳам ривожлантириляпти.

Аваз ХАЙДАРОВ

ПОЛВОНЛАРНИНГ УСТОЗИ

Fidoyilarimiz

Самарқанди фирдавсмонанднинг Афросиёб тепалиги қаршисидаги Оби Машат маҳалласида бир ажойиб полвон яшайди.Полвонки, не-не алпларнинг ҳушини бошидан учирган, дунёни лол қолдирган, юртини, миллати довруғини етти иқлимга ёйган. У эришган натижалару ўрнатган рекордлари, тарбиялаган шогирдларию босиб ўтган ҳаёт йўлининг қувонч - ташвишлари ҳақида битилган китоблар, мақолалар сон-саноқсиз.Биз қоралаётган мақола ҳам устоз полвоннинг таърифу тавсифига камлик қилиши шубҳасиз.

Дарвоқе, биз полвонга бўлган эҳтиромимизни баён этиш муддаоси билан чалғиб, у кишини газетхон ўқувчиларга таништиришни — гарчи кўпчиликка маълуму машҳур бўлсалар ҳам — хотирдан хориж қилибмиз.

Мамажон ака Аҳмедов...

Бу исми-шариф дунё тан олган оғир атлетикачилар тилида қайта-қайта такрорланади.

Ҳалқаро тоифадаги ҳакам, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устози, халқ таълими аълочиси, полвон Мамажон ака Аҳмедовни Самарқандда етти ёшдан етмиш ёшгача барча бирдек севиб тилга олади. Келбатидан куч-қувват ёғилиб турган бу инсон оилада меҳрибон ота, суюкли бобо, маҳаллада доно оқсоқол (мана, 15 йилдан ошибдики, Мамажон полвон Оби Машат маҳалласининг оқсоқолидирлар), мактабда ота-оналар қўмитасининг талабчан раҳбари, ишда («Ёшлик» вилоят кунгилли спорт жамияти раисининг муовини) қаттиққўл бошлиқ, спорт марказларида жонкуяр мураббий, обрули шоҳсупаларда адолатли ҳакамдир.

Э-э-э, Мамажон аканинг барча ишчанликларини урғу бериб таърифлабмизу яна бир жиҳатлари хотирдан фаромуш бўлибди. Мамажон Аҳмедов газетамизнинг спорт соҳаси бўйича Самарқанддаги жонкуяр жамоатчи муҳбири. Ҳа, ишонаверинг вилоятда эрталаб соат 9.00 да бирон-бир турнир бўлиб ўтди, дейлик пешин соат 14.00 да «Маърифат» таҳририятининг спорт бўлими телефони жиринглаб, Мамажон аканинг мулойим овозини эшитамиз. Қойил-э, бир кишининг ғайрати бўлса шунчалик бўлар-да!

Бугун - эрта Мамажон полвон 51 ёшга қадам қўяди. Юз-кўзидан нур ёғилиб турган самимий, бағри кенг полвон акамизга тилагимиз битта: Обод юртимизнинг озод халқи хизматидан асло чарчаманг, Мамажон ака!

Норали ОЧИЛОВ

МАКТАБДА ЯССАВИЙХОНЛИК

Пойтахтимизнинг Акмал Икромов туманидаги Хожа Аҳмад Яссавий номидаги 203-мактабда «Аҳмад Яссавий ахлоқий поклик ва яхшилик учун қайғурган донишманд» мавзусида анъанавий яссавийхонлик анжумани бўлиб ўтди.

Мактаб ота-оналар қўмитаси раиси, профессор Карим Назаров анжуманни кириш сўзи билан очиб, бу галги ҳикматхонликда республикамизнинг кўзга кўринган олий ўқув юртлари, илмий тадқиқот институтлари олимлари иштирок этаётганликларини қайд этиб ўтди.

Мактабнинг она тили ва адабиёт ўқитувчиси Муҳайё Абдушукурова бошқарган ҳикматхонлик анжуманига йиғилган ота-оналар, меҳмонларда чуқур таассурот қолдирди. Ўқувчи қизлар ёддан айтган ҳикматлар, Яссавий ҳаётига оид саҳна кўринишлари, рақслар ва тасаввуф шеърияти султонининг асарларига бағишланган қўшиқлар ижро этган ота-бола Шомурод ва Илҳом Фармонов ҳамда мактаб ўқитувчиси Шуҳрат Қодировларнинг чиқишлари анжуманга файз киритди.

Таниқли адабиётшунос Суйима Ғаниева, Тошкент Давлат университети профессори Ҳамидулла Болтабоевлар Аҳмад Яссавий ижодининг мумтоз адабиётимизга таъсири ҳақида қимматли фикрларни баён этиш билан мазкур анъанавий анжуманнинг яхши уюштирилганлигини таъкидлаб ўтишди.

Анъанавий яссавийхонлик куни мактаб ўқувчиларидан бир гуруҳига фуқаролик паспорти тантанали вазиятда топширилди ҳамда мактабга ҳомийлик ҳақида Шарқшунослик институти билан узаро шартнома имзоланди.

Ғаффор МИРЗО

ХАЛҚ ТАЪЛИМИ РАҲБАРЛАРИ !

Давлатимизнинг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг қабул қилиниши барча халқ таълими ходимларига катта масъулиятларни юклади. Юқоридагиларни ҳаётга жорий қилиш мақсадида Мактабгача таълим ходимларининг малакасини ошириш бўйича доимий ишлаб турувчи республика курси 1999 йил февраль ойи учун қуйидаги курсларни режалаштирди. Курсларга мактабгача таълим муассасаларининг раҳбар ходимлари таклиф этилади:

1. **Мактабгача таълим муассасалари мудирлари:**
1.02.99 - 27.02.1999 йил.
2. **Мактабгача таълим муассасалари услубчилари:**
1.02.99 - 27.02.1999 йил.

ҚИСҚА МУДДАТЛИ КУРСЛАР:

3. **Туманлар халқ таълими бўлимлари услубчилари:**
1.02.99 - 13.02. 1999 йил.

Курсга келган тингловчилар бепул ётоқхона билан таъминланадилар. Йўл харажатлари ва суткалик ҳақлари курс ҳисобидан тўланади. Санаторий-профилакторийга курс тингловчилари 1 - 4 февраль кунлари курорт карталари билан қабул қилинади.

Манзилимиз: Тошкент ш, Талабалар шаҳарчаси, Саидов, 6.
Телефон: 46 - 98 - 04.
Автобуслар: 28, 34, 87, 76.

Ангрен педагогика билим юрти томонидан 1985 йилда Жураев Неъмат Тошпулатович номига берилган ВТ — I № 497715 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Чилонзор туман халқ таълими бўлими жамоаси тумандаги 350-сонли болалар боғчасининг мудираси, меҳнат фахрийси **Раиса ТУРСУНХЎЖАЕВА** вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзоларига ва яқинларига таъзия изҳор этади.

Чилонзор туман халқ таълими бўлими жамоаси ТХТБ мактаб назоратчиси Г. Баҳромовага онаси **Сабоҳат ҚОБИЛЖОНОВА** вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (масъул котиб), Шукур ЖОНБОЕВ, Гулчеҳра ПАРПИЕВА, Нўъмонжон РАҲИМЖОНОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Йўлдош САИДЖОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Рақам ва далиллар ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга жавоб қайтарилмайди. «Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси,32. ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб— 136-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими—136-55-58.

Газетани IBM компьютерида Абдирасул НАРМАНОВ саҳифалади.
Навбатчилар: Нурлан УСМОНОВ, Саидолим АБДУРАҲМОНОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
ИНДЕКС: 149, 150. Г-029. Тиражи 53.629. Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2. «Шарқ» нашриёт матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти -20.00.
Топширилди-21.00.